



ТИЛШУНОСЛИКДА МАҚОЛ ВА МАТАЛЛАР ТАДҚИҚИДА СТИЛИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ЎРНИ МАСАЛАСИ

Юсупова Мунтоза Бахтиёр қизи
ФарДУ таянч докторанти

Аннотация. Мазкур мақолада эвфемизлар турли тадқиқотчилар, олимлар томонидан мақол ва маталлар хақида берган фикр ва муроҳазалар ўрганилди. Эвфемизатсия ходисали мисоллар билан далилланган.

Калит сўзлар: мақол, матал, тил, эвфемизм, маъно, хусусият, функция, стилистик восита.

Аннотация. В данной статье были изучены эвфемизмы, мнения и комментарии различных исследователей и ученых о пословицах и пословицах. Эвфемизация доказывается примерами.

Ключевые слова: пословица, басня, язык, эвфемизм, значение, признак, функция, стилистический прием.

Annotation. This article has studied the euphemisms, opinions and comments of various researchers and scholars about proverbs and phrases. Euphemization is proven by examples.

Key words: proverb, fable, language, euphemism, meaning, sign, function, stylistic function.

Мақол ритмик шаклга эга маъжозий маъно берадиган насиҳатли ҳикматли гапдир. О.А.Абакумовага асосан мақол матн характеристига ва прагматик функциясига эга бўлган тил белгисидир. В.А.Масловага асосан нутқ жараёнида вужудга келмаслиги ҳамда ҳалқнинг тажрибасини ифодаловчи ҳикматли гапдир. Л.Б.Кацюба мақол ифодасида унинг маъжозий маънога эгалиги, синтактик мустақиллиги, ритмик-интонацион хусусиятига эгалигини таъкидлаган.

Нафақат рус тилшунослигига, балки АҚШ ва Буюк Британия олимлари мақол ва маталларнинг изоҳига эътиборларини қаратган. Жумладан, Норрикка

асосан мақол анъанавий сўзлашув, дидактик жанрда қўлланиб, мажозий маънога эгалиги билан ажralиб туради²⁴.

Оксфорд мақоллар луғатига асосан мақол анъанавий ифодадир, унда қисқа маслаҳат ёки насиҳат берилади²⁵.

Матал мақол каби маъжозий маънога эга. Мақолдан фарқланиб, матал синтактик туталланмаганлиги билан ажralиб туради.

Мақол ва маталлар ҳалқ ижодидан оғзаки ва ёзма нутққа кириб келган.

²⁴ Owen S. Adams. "Proverbial Phrases from California", Western Folklore. Vol. 8. № 2. Apr., 1949.

²⁵ Simpson John, Speake Jennifer. The Oxford Dictionary of Proverbs. Oxford University Press; Subsequent edition. September 17, 1992.

Н.Г.Долженко ва В.О.Прозорова мақол ва маталларни ўзгармайдиган тил бирликлар таркибиға кириладилар. Яъни ўз таркибидаги ўзгаришларни талаб қилмайдиган тил бирликлари деб изоҳлайдилар²⁶. Лекин биз бунга эътирозимизни билдирамиз. Тил ўзгарувчандир. Тилда нафақат янги сўзлар пайдо бўлади, сўзларнинг маъноси ўзгаради, янги маъно хосил қилинади. Тилдаги мавжуд бўлган бирликлар, хусусан пармеологик бирликлар ҳам ўз таркибини ўзгартириши мумкин.

Мақол ва маталлар тилшунос олимлар учун тадқиқ обьектига айланиб, турли аспектда таҳлил қилинмоқда. Бугунги кунда мақол ва маталларнинг синтактик тизими, тематик, лексик-семантик хусусиятлари, прагматик функциялари, лингвомаданий хусусиятлари атрофлича ўрганилмоқда. Мақол ва маталларнинг табииати ва лисоний жиҳатларини Н.Н.Амосова, В.В.Виноградова, А.В.Кунина, K.Aitken, D.Cram, W.Mieder, N. Norrick, J. Obelkevich, D. Snell, K. Yankah, W. Mieder, A. Taylor²⁷ каби тилшунослар атрофлича ўрганган.

Мақол ва маталлар ўз таркибидаги стилистик воситаларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Мақол ва матал таркибидаги стилистик воситалар тадқиқига ўз тадқиқотларини қатор тадқиқотчилар бағишилаган. Мақол ва маталлар таркибидаги литота, гипербола, метафора, антитета, такрор, эвфемизм, сўз ўйини каби стилистик воситалар қўлланиши турли изланишларда ўз ифодасида топган. Умуман олганда, стилистик воситалар семантик жиҳатдан иккита маънога ва эстетик функцияга эгалиги билан ажаралиб туради.

Хозирги замон тилшунослигида эвфемизмни стилистик восита сифатида кўриш бир аниқ тўхтамга келинганмаган. О.С.Ахманова эвфемизмни стилистик восита сифатида талқин этади. Б.А.Ларин эвфемизмни метафора, метонимия, синекдоха ва хкз. стилистик воситалар каби мазмуний тизимиға кўра стилистик воситадир деб, лекин мажозий маъноси йўқлини таъкидлайди. Олим эвфемизмларнинг мажозий маъно эмас, балки яширин маъно берганлиги қайд этади. Эвфемизмлар нарса, ҳодисани шундай таърифлайдики, ушбу нарса ёки ҳодиса ўзгариб, танимайдиган ҳолатгача келиши мумкин. Лекин В.П.Москвин эвфемизмни стилистик воситалар таркибиға киритмайди, чунки эвфемизмлар стилистик воситалар каби ўз таркибидаги иккита эмас, балки битта маънога эга деб таъкидлайди²⁸, масалан: *смерть – летальный исход, инвалид – имконияти чекланган*. Бу ҳолатда улар синонимия шакллайди деб айтшимиз ҳам мумкин. Лекин, бизнинг изланишларимиздан келиб чиқиб, таъкидлашимиз жоизки, эвфемизмларни стилистик восита сифатида талқин этиш тўғри фикрдир. Чунки ўзбек тилида *чаён* сўзни эвфемизми *сариқ эшак* иккита

²⁶ Долженко Н.Г., Прозорова В.О. Эвфемизм как выразительное средство языка//Вестник Югорского государственного университета. 2016.-1(40). –С.19-22.

²⁷ Будагов

²⁸ Москвин В.П.Эвфемизмы: системные связи, функции и способы образования //Вопросы языкознания, 2001, №3. –С.58-70.

маъно эгадир, яъни денотатив ва коннотатив маънолари билан ажралиб туради. Хулоса қилиб айтиш керакки, эвфемизмлар доимо ҳам битта маъноли бўлмайди. Шунинг учун биз эвфемизмни стилистик воситалар қаторида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир деб хисоблаймиз.

Айниқса, мақол ва маталлардаги эвфемизация ҳолати қўп учрайдиган ҳодисадир. Мақол ва маталлар таркибидаги эвфемизмлар бошқа стилистик воситалар билан уйғунликда ифодаланиши ҳам мумкин.

Инглиз ва хитой тилларида мақол ва маталлар таркибидаги стилистик воситаларнинг тадқиқ масаласи Лун Чжичао эътибор қаратган²⁹. Е.К.Искендерова қозоқ тилида эвфемизмларни мақол ва маталларнинг таркибий қисми сифатида таҳлилга тортган³⁰. О.Твердохлеб рус ва инглиз тиллар асосида мақол ва маталлар таркибидаги эвфемизация ҳодисасига тадқиқотини бағишилаган. Ўзбек тилида Ш.Каландаров ўзбек мақол ва маталларда эвфемизациянинг ўрни масаласини атрофлича талқин этган³¹. А.Ж.Омонтурдиев қишлоқ хўжалик соҳасида қўлланадиган эвфемизмларнинг хусусиятига илмий ишини бағишилаб, унда мақол ва маталлардаги эвфемизация холатини ҳам таҳлилга тортган³². Умуман олганда мақол ва маталлар таркибидаги эвфемизация ҳодисасининг тадқиқи кенг ўрганилмаган. Бизнинг тадқиқотимизда ўзбек, рус ва инглиз тилларда қўлланадиган мақол ва маталларнинг эвфемик ҳолати тадқиқ қилинади. Бунда биз мақол ва маталлар таркибидаги эвфемизмларнинг лингвокультурологик ва лингвопрагматик хусусиятларига эътиборимизни қаратдик. Тилнинг маданий, яъни культурологик аспекти миллат онги, тафаккурини юзага чиқаради. Тилнинг прагматик аспекти эса эвфемизмларнинг мақол ва маталлардаги қўллаш функциясини, интенцияларини очиб беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЙОТЛАР РЎЙХАТИ:

1. *Owen S. Adams.* "Proverbial Phrases from California", Western Folklore. Vol. 8. № 2. Apr. 1949.
2. *Simpson John, Speake Jennifer.* The Oxford Dictionary of Proverbs. Oxford University Press; Subsequent edition. September 17, 1992.
3. Долженко Н.Г., Прозорова В.О. Эвфемизм как выразительное средство языка//Вестник Югорского государственного университета. 2016.-1(40). –С.19-22.
4. Будагов

²⁹ Zchichao Long. Analyses of figures of speech in proverbs//Sovremennoye pedagogicheskoye obrazovaniye.2021.

³⁰ Искендерова Е.К.Эвфемизмы в каракалпакском языке, связанные с птицами//Вестник науки и образования.2019.

³¹ Твердохлеб О.Г.Эвфемизмы в сфере устного народного творчества//Язык и культура.2016.

³² Омонтурдиев А.Ж.Профессионал нутқ эвфемикаси (Сурхандарё ва Қашқадарё вилоятлари чорвадорлари нутқи асосида). Монография.- Тошкент: “Фан” нашриёти, 2006.-Б.231.

5. Москвин В.П. Эвфемизмы: системные связи, функции и способы образования // Вопросы языкоznания, 2001, №3. –С.58-70.
6. Zchichao Long. Analyses of figures of speech in proverbs//Sovremennoye pedagogicheskoye obrazovaniye.2021.
7. Искендерова Е.К. Эвфемизмы в каракалпакском языке, связанные с птицами//Вестник науки и образования.2019.
8. Твердохлеб О.Г. Эвфемизмы в сфере устного народного творчества//Язык и культура.2016.
9. Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутқ әзфемикаси (Сурхандарё ва Қашқадарё вилоятлари чорвадорлари нутқи асосида). Монография.- Тошкент: “Фан” нашриёти, 2006.-Б.231.